

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВ МАХМАТКАРИМ ПАТТАЕВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАБИИЙ СУВЛАРИНИНГ**  
**РАДИОЭКОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ ВА МОНИТОРИНГИ**

**11.00.05- Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона**  
**фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Холмуродов Махматкарим Паттаевич Сурхондарё вилояти табиий сувларининг радиоэкологик тадқиқоти ва мониторинги.....	5
Холмуродов Махматкарим Паттаевич Радиоэкологические исследования и мониторинг природных вод Сурхандарьинской области.....	21
Kholmurodov Makhmatkarim Pattayevich  Radioecological research and monitoring of natural waters of the  Surkhandarya region.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВ МАХМАТКАРИМ ПАТТАЕВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАБИИЙ СУВЛАРИНИНГ**  
**РАДИОЭКОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ ВА МОНИТОРИНГИ**

**11.00.05- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона**  
**фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз-2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) манзили бўйича ва «Ziyounet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураев Хайит Худайназарович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қулматов Рашид Анорович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Аллабердиев Фарход Хамроевич**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашда «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz.

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.А.Умбаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

**Ш.А.Касимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д., доц.

**Р.В. Алиқулов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Бутун дунёда атроф-муҳит объектларининг радионуклидлар билан зарарланиши урани қазиб олиш ва қайта ишлаш саноатининг ривожланиши ҳисобига кундан кунга ортиб бормоқда. Олимларнинг маълумотларига кўра, инсоннинг бутун умри давомида табиий радиация манбаларидан оладиган нурланишининг улуши ўртача 87 фоизни ташкил этади, қолган 13 фоизини эса инсон ўзи яратган антропоген манбалардан қабул қилади. Ривожланган давлатлар ҳар йили миллиардлаб доллар маблағларни радиоактив чиқиндиларни утилизация қилишга сарфламоқда. Атроф-муҳит объектларидан табиий сувлар энг муҳими ҳисобланиб, бугунги кунда иқлим ўзгариши, ёғингарчиликларнинг камайиши ва ер ости сувлари сатҳининг пасайиши туфайли ичимлик суви муаммоси биринчи даражага чиқмоқда. Табиий сувларнинг тозалиги, зарарли кимёвий моддалар ва радионуклидлар билан зарарланиш даражасини аниқлаш, табиий сувларнинг истеъмолга яроқлилигини белгилаш сувнинг турли физик-механик ва физик-кимёвий хусусиятлари туфайли мураккаб масала ҳисобланади. Бунга сабаб, табиий сувлардаги радионуклидлар миқдорининг ортишига сув оқими, тезлиги, муҳити, ҳарорати ва эрувчанликнинг таъсири кам ўрганилганлигидир. Бундан ташқари, ер ости конларини ўзлаштириш натижасида юқори радиоактивликка эга бўлган уран емирилиб, фаоллиги паст бўлган радиофаол элементларни ҳосил қилади ва ер ёриқлари ва қазилар ишлари туфайли ер юзасига чиқиб, атмосфера ҳавоси, табиий сувлар ва тупроқ биоресурсларини зарарламоқда ҳамда фаол ҳолатга ўтмоқда. Тупроқ ва атмосферадаги радионуклидлар ёғингарчилик туфайли табиий сувларга тушиб, уни ифлослантarmoқда. Демак, табиий сувларнинг таркибидаги радионуклидларнинг миқдори ва зарарлаш даражасини аниқлаш, сувдаги радионуклидлар миқдорига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса, радиацион нурланишни билиш, уни тўғри ўлчай олиш радиоактивлик ҳақидаги маълумотларнинг объективлигини таъминлайди ва радиацион хавфсизлик чораларини кучайтиради.

Ҳозирги кунда ер қаъридан нефт, руда, кўмир, газни жадал суратлар билан қазиб олиш, ядро саноатининг ривожланиши атроф-муҳит объектларида нафақат табиий радионуклидлар миқдорининг ортишига, балки сунъий пайдо бўлишига ҳам олиб келмоқда. Бу эса, атроф-муҳитга техноген юкнинг ортиши маълум ҳудуд ва дунё миқёсида муҳим экологик вазиятга эга бўлган зоналарнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Республикамиз уран рудалари захираси бўйича дунёда 10-ўрин (139,2 минг тонна), уран рудаларини қазиб олиш бўйича 5-ўринда туради. Уран рудаларини қазиб олишда радиофаол уран емирилиш натижасида қуйи радиофаол элементлар (торий, цезий, стронций ва калий) изотопларига айланади. Ер остидаги геологик ўзгаришлар туфайли ҳосил бўлган радиоизотоплар ер ости қазилар ишлари туфайли ер юзасига чиқади ва атроф-муҳит объектларини радионуклидлар билан зарарлайди. Сурхондарё

вилоятидаги корхоналар, қўшни давлатларда мавжуд Тожикистон алюминий заводи, Гегирдак олтингургурт заводи (Туркманистон)даги ер ости қазилма ишлари натижасида атроф-муҳит объектларида ҳосил бўлган радионуклидлар иқлим ўзгаришлари, афғон шамоллари ҳамда ёғингарчиликлар туфайли трансчегаравий дарёлар ҳамда вилоятимизнинг ички дарёларида радионуклидларнинг пайдо бўлиши ва ортишига сабаб бўлмоқда, бу сувлардан истеъмол қилиш ва суғориш ишларида фойдаланиш натижасида эса вилоятимиз аҳолиси орасида онкологик касалликлар кескин ортишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун, табиий сувларнинг радиоэкологик ҳолати ҳақида батафсил объектив маълумот кераклигига шубҳа йўқ, бу ўз навбатида, радионуклидлар билан ифлосланиш даражасининг хавфини аниқлаш ва баҳолаш ва бунга олиб келадиган тенденцияларни белгилаш, шунингдек, ўзгаришлар тезлигини тахмин қилиш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7-февралдаги ПҚ-4947 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 23-августдаги ПҚ-3236-сонли 2017 - 2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш Дастури тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача атроф-муҳит муҳофазаси концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги:** Диссертация иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV.“Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилиш даражаси.** Ривожланган мамлакатларда атроф-муҳит объектларидаги торий, калий, цезий, стронций ва бошқа радиоактив элементлар миқдорини аниқлашнинг радиометрик усуллари кенг қўлланилади. Олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижавий таҳлилидан кўринадикки, радиоактив нурланишдан зарарланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга таъсирини баҳолаш масалалари бўйича бир қатор олимлар томонидан, жумладан, Yu.Odum, A.H.Sparrow, G.M.Vudvell, S. Rassel, J.Sahdells, G.V.Bleylok, S.S. Shvarts, J.M. Anderson, R.Riklefs, Л.П. Рихванов, В.Н. Мясоедов, А.М. Кузин, А.А. Передельский, В.М. Клечковский, С.У.Айербах, Н.В. Тимофеев-Рисовский, Ф.А. Тихомиров, Р.М. Алексахин ва бошқалар илмий изланишлар олиб бориб, турли радионуклидларни аниқлашда замонавий аналитик усулларни такомиллаштириш ва ривожланишига юқори ҳисса қўшган ва шу соҳада иш

олиб боришмоқдалар. Бу олимлар қаторига замонавий ўзбек олимларидан, Ш.Т.Толипов, А.Г.Ғаниев, А.А.Кист, Р.А.Кулматов, Х.Х.Тўраев, С.Ч.Эшқараев, Б.Э. Бабамуратов ва бошқаларни киритиш мумкин, улар томонидан бир қатор радиоактив элементларни радиометрик-спектрометрик усуллар ёрдамида аниқланган. Буларнинг барчаси амалиётда табиий сувлар таркибидаги радионуклидларни аниқлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун кенг йўл очиб беради.

**Диссертация тадқиқотларининг олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-12-ФҚ-17926 “Замонавий ядро-физикавий методлар ёрдамида гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги нодир металларни концентрлаш ва ажратиш” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Сурхондарё вилояти табиий сувлари таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларини радиометрик-спектрометрик усулда аниқлаш ва табиий сувларнинг радиологик мониторингини ўтказиш тартибини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сурхондарё вилояти табиий сувларидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларининг миқдорини бета ва гамма нурланиш асосида радиометрик-спектрометрик усул ёрдамида аниқлаш;

Сурхондарё вилояти табиий сувларидаги радионуклидларнинг тарқалиш ва кўчиш жараёнларини аниқлаш;

табиий сувлардаги радионуклидлар миқдорининг ўзгаришига турли омилларнинг таъсирини баҳолаш;

ер ости қазилма ишларининг табиий сувлардаги радионуклидлар миқдorigа таъсирини радиоэкологик баҳолаш ва радиологик мониторинг ўтказиш тартибини белгилаш;

табиий дарё сувларининг радионуклидлар миқдори юқори бўлган нуқталари ва дарёга ирмоқларнинг кўшилиш жойларида қирғоқ бўйлари тупроқларини рекультивация қилиш схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларининг стандарт намуналари. Сурхондарё вилояти Дарбанд, Шеробод, Сангардак, Тўпаланг ва Халқаёр дарёлари табиий сувларининг намуналари.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Сурхондарё вилояти табиий сувлари таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларини бета ва гамма нурланишлар асосида МКГБ-01 радиометр-спектрометри ёрдамида радиометрик аниқлаш олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда олинган маълумотларни қайта ишлаш, дозиметрик, радиометрик, спектрометрик, масс-спектрометрик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилояти табиий сувлари таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидлари миқдорини радиометрик-спектрометрик усулда аниқланган;

табиий сувларда радионуклидлар тарқалиш ва кўчиш жараёнларининг сув оқими, тезлиги, муҳити, йил фасллари ва радионуклидларнинг сувда эрувчанлигига боғлиқлиги тасдиқланган;

табиий дарё сувларининг истеъмолга яроқлилигини баҳолашда - иштирок даражасини белгиловчи солиштирма альфа-фаолликнинг  $^{234}\text{U}$  изотопи миқдорига бета-фаолликнинг  $^{40}\text{K}$  изотопи миқдорига боғлиқлиги аниқланган; Дарбанд дарёси сувларининг изотоп таркибини  $\alpha$ -спектрометрик таҳлил усули асосида таҳлил қилиниб,  $^{40}\text{K}/^{39}\text{K}$  изотоплари орасидаги радиофаол мувозанат коэффициентининг -  $K_{\text{рм}}(23,16 \text{ мкг/г})$  бузилиши исботланган;

зарарлаш даражаси юқори бўлган нуқталар ва дарёга ирмоқларнинг кўшилиш жойларида қирғоқ бўйи ерларини рекультивация қилиш схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

табиий сувлар таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларини аниқлаш учун сезгир, тез, иқтисодий жиҳатдан арзон, радиометрик-спектрометрик усул қўлланилган;

табиий сувлар таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларининг кўчиш ва тарқалиш жараёнларига турли омилларнинг таъсири аниқланган;

зарарлаш даражаси юқори бўлган нуқталар ва ирмоқлар кўшилиши жойларида дарё қирғоқ бўйларида рекультивация қилиш схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ва лаборатория тадқиқотлари натижаларининг олинганлиги, дозиметрик, радиометрик, спектрометрик, масс-спектрометрик ва статистик таҳлил усуллари ҳамда замонавий ўлчаш асбобларининг қўлланилганлиги, тажриба ўтказиш учун олинган табиий сувлар намуналари давлат стандарт намуналари билан таққосланганлиги ва замонавий физик-кимёвий аниқлаш усуллари асосида таҳлил қилинганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхондарё табиий сувлари таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларини аниқлаш борасида амалга оширилган тадқиқот ишлари асосида, атроф-муҳитни ва ишчи-ходимларни зарарли ионлаштирувчи нурланиш таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш, зарарланган дарё сувлари нуқталари ва ирмоқларнинг кўшилиш жойларида қирғоқ бўйи рекультивациясининг янги камхарж усулини таклиф этиш ва табиий сувларда  $^{40}\text{K}/^{39}\text{K}$  изотоплари орасидаги радиофаол мувозанат коэффициенти- $K_{\text{рм}}$  бузилиши сабабларини очишга асос бўлади;



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий сувлар таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларни аниқлаш бўйича бажарилган тадқиқот ишлари экологик объектлар, атом электр станциялари, нефть ва газ конлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари атрофида радиофаол элементларнинг миқдорини аниқлаш ва мониторингни амалга оширишда амалий фойдаланиш, шунингдек, келажакда табиий дарё сувларининг радиологик харитасини ишлаб чиқишда қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Сурхондарё вилояти табиий сувларининг радиэкологик тадқиқоти ва мониторинги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табиий сувлар таркибидаги радионуклидлар миқдорини такомиллаштирилган радиометрик-спектрометрик усулда аниқлаш “Олмалиқ КМК” АЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2021 йил 5 октябрдаги АА №008140-сонли маълумотномаси). Натижада комбинат атрофидаги табиий сув (Оҳангарон дарёси) лар таркибида цезий-137 ва стронций-90 радионуклидлари миқдори ўртача цезий учун 0,15 бк/кг, стронций учун 0,28 бк/кг қийматда ва радиоактив хавфсизлик меъёри (НРБ:97-2014) да эканлиги аниқланган. Радионуклидлар миқдорини меъёрдан ортиқ нукталар ва ирмоқларнинг қўшилиш жойларида қирғоқ бўйи ерларини янги ва камхарж рекультивация қилиш схемаси “Олмалиқ КМК” АЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2021 йил 5 октябрдаги АА №008140-сонли маълумотномаси). Натижада рекультивация усули дарё сувларидаги радионуклидлар миқдорини бир йилда 82% гача камайтириш мумкинлиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 10 та, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа докторлик (PhD) диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти аниқланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Табиий сувлардаги радиоактивлик ва унинг оқибатлари**» да радиоактивликнинг назарий асослари, табиий сувлар таркибидаги радионуклидларни аниқлашнинг метеорологик асослари ва радионуклидларнинг атроф-муҳитга таъсири, атроф-муҳитда радионуклидларнинг тарқалиши, радиоактив нурланишларнинг турлари метеорологик тавсифлари, радионуклидларнинг сувда тарқалиши, табиий ва сунъий радионуклидлар ҳамда радионуклидларни радиометрик-спектрометрик усуллар ёрдамида аниқлашга бағишланган адабиётларнинг умумий шарҳи берилган.

Атроф-муҳитга, инсонлар ва бошқа тирик организмларга радионуклидларнинг салбий таъсири ўрганилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Сувдаги радиоактив элементлар ва уларнинг таъсир механизми**» да радиоактив элементлар, цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40, ва уларнинг изотопларининг тирик организмларга таъсир механизмлари, табиий сувлардаги миграцияси, ҳосил бўлиши, парчаланиши ва атроф-муҳитга таъсири сўнгги илмий адабиётлардаги тадқиқотлар натижалари асосида аниқланди.

Шунингдек, табиий сувлар ифлосланишининг асосий манбалари ёритиб берилган бўлиб, ифлосланиш инсонлар саломатлигига, тирик мавжудотлар ва теварак атроф-муҳит учун бир таҳдид эканлиги, бунинг учун ҳар бир киши сувларимизни тоза сақлаши ва атроф-муҳитга тўғри муносабатда бўлишлиги ишда ёритиб берилган.

Учинчи «**Тадқиқот усуллари, ишлатиладиган асбоблар ва материаллар**» бобида тадқиқотларни бажариш учун керак бўлган асбоб-ускуналар, стандарт намуналарни танлаш, ҳамда олиш тартиби ва тадқиқот объектларининг хусусиятлари ва қўлланиладиган намуналарни тайёрлаш усуллари келтирилган.

Тажриба натижаларини муваффақиятли ўтказиш учун барча талабларга жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлардан фойдаланилганлиги кўрсатиб берилган. Табиий сувлар таркибидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40, радионуклидларини радиометрик-спектрометрик аниқлашнинг метеорологик тавсифлари ҳамда уларни қўллаш имкониятларини ўрганиш натижалари келтирилган.



**Расм-1. МКГБ-01 “РАДЭК”  
спектрометрик-радиометрининг  
йиғилган ҳолати.**



**Расм-2. Нурланишни аниқлаш  
детектори (БДЕГ-63)**

Аниқлаш ишлари Сурхондарё вилоятидаги мавжуд дарёларнинг ҳар бирдан 6 та нуқтасидан танлаб олинган табиий сувларининг намуналари асосида бажарилди. Стандарт ва синов дарё сувлари намуналаридаги, цезий – 137, стронций – 90, торий – 232 ва калий – 40 радионуклидларининг активлиги радиометрик-спектрометрик усулда аниқланди. Радионуклидларнинг солиштирама активлиги ( $\alpha_{ст}$  ва  $\alpha_{сн}$ ) стандарт ва синов намуналарининг активлиги фарқидан топилди. Анализ давомийлиги-40минут, радионуклидларнинг умумий активлиги «ASW» дастури асосида автоматик ҳисобланди.

Тўртинчи «Сурхондарё вилояти табиий сувларидаги радионуклидларнинг миқдорини аниқлаш» бобида табиий сувлар таркибидаги калий-40 ва торий-232 радиоактив элементлар ва уларнинг изотопларининг Сурхондарё вилоятидаги Дарбант, Шеробод, Сангардак, Халқакёр ва Тўпаланг дарёларининг 6 та нуқтасидан табиий сувлар намуналари танлаб олинди. Табиий сувлар намуналари O’zDSt ISO/IEC 17025:2017 стандарти асосида олиниб, ҳар бир намуна лабораторияда махсус тозаланган Маренелли идишида сақланди. Стандарт ва синов намуналаридаги цезий-137, стронций-90, калий-40 ва торий-232 радионуклидлари активлиги МКГБ-01 РАДЭК радиометри билан радиометрик-спектрометрик усулда аниқланди. МКГБ-01 радиометри портатив компьютерга уланган бўлиб, «ASW» дастури ёрдамида ишлайди. «ASW» дастури РАДЭК (Россия) компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, радиометр ишини осонлаштиради, яъни «ASW» дастури билан ҳар 2 соатда фонни ўлчаш, натижаларни ҳисоблаш, анализ натижаларининг аниқлиги ва хатолигини текшириш зарур бўлмайди. Шунингдек, «ASW» дастури радионуклидларнинг ҳажмий ва солиштирама активлигини алоҳида ва бир гуруҳ қилиб ўлчаш имконини беради. Ўлчаш давомийлиги – 40 минут.

Олиб борилган аниқлаш ишлари асосида танлаб олинган табиий сув намуналари таркибидаги радионуклидлар миқдорларининг юқори ва меъёр даражасида эканлиги ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида ўз исботини топди.

Сурхондарё вилоятидаги мавжуд дарёларнинг табиий сувларидан танлаб олинган намуналар асосида цезий – 137, стронций – 90, калий – 40 ва


торий – 232 радионуклидларининг активлик миқдорини радиометрик-спектрометрик аниқлаш ишлари тажриба ўтказиш орқали амалга оширилди.

Тажрибада аниқланган натижаларнинг ўртача йиллик қийматлари қуйидаги 1-жадвалда ва фасллар бўйича солиштирма активлик ўртача йиллик қийматлари олинган натижалар асосида радиометрик ўлчаш натижалари (чораклар бўйича), 2- жадвалда берилган.

**Жадвал-1**

**Дарбанд дарёси сувларидаги цезий – 137 ва стронций-90 радионуклидлари, бета-нурланиш активликларининг ўртача йиллик қийматлари ( $t_{\text{ўлч}}=40$  мин,  $E_{\text{max}}=624$  кэВ,  $ЧВ=0,64$  имп/с.бкл)**

№	Намуналарнинг штрих кодлари	Намуна олинган жой	Нурланиш активликларининг ўртача йиллик қиймати	
			Cs-137, β-нурланиш Бк/кг (УВ=2,0)	Sr-90, β-нурланиш Бк/кг (УВ=10)
1	Д-1-20	Дарёнинг бошланиш нуқтасидан 10 км қуйи нуқтаси	0.63	0.15
2	Д-2-20	Дарбанд қишлоғига дарёнинг кириб келиш нуқтаси	0.68	0.23
3	Д-3-20	Дарбанд қишлоғи яқинидан ўтувчи дарёнинг Шўроб дарёси қўшилиш нуқтаси	1.57	1.43
4	Д-4-20	Дарёнинг Даҳнаижом қишлоғидан ўтувчи нуқтаси	0.93	0.81
5	Д-5-20	Дарёнинг Хўжабулғон қишлоғидан ўтувчи нуқтаси	0.90	0.79
6	Д-6-20	Дарёнинг, Сайроб ва Панжоб қишлоқлари худудидан ўтувчи нуқтаси	0.83	0.74



**3-расм. Дарбанд дарёси табиий сувларидаги радионуклидлар миқдорининг йил фаслларига боғлиқлиги.**

**Дарбанд дарёси сувларидаги цезий – 137 ва стронций-90  
радионуклидлари активликлари қийматлари  
( $t_{\text{ўлч}}=40$  мин,  $E_{\text{мах}}=624$  кэВ, ЧВ=0,64 имп/с.бкл)**

№	Намуналарнинг штрих коди	137Cs ва Sr-90 ларнинг β-нурланиш солиштира активлиги, Бк/кг(УВ=2,0), Бк/кг(УВ=5,0)								Белгиланган меъёрдан ошиши	
		I-чорак (декабр, январ, феврал)		II-чорак (март, апрел, май)		III-чорак (июн, июл, август)		IV-чорак (сентябр, октябр, ноябр)			
		Cs- 137	Sr-90	Cs- 137	Sr- 90	Cs- 137	Sr-90	Cs- 137	Sr- 90	Cs- 137	Sr- 90
1	Д-1-20	0.40	0.19	1.29	0,15	0.14	0,16	0.7	0.13	-	-
2	Д- 2-20	0.54	0.27	1.34	0,18	0.17	0,31	0.9	0.19	-	-
3	Д-3-20	0.61	0.36	3.01	3.18	1.75	2.08	0.92	0.42	+	+
4	Д- 4-20	0.81	0.43	1.68	1,62	0.83	0,82	0.42	0.38	-	-
5	Д- 5-20	0.92	0.32	2.06	1,91	1.03	0,71	0.52	0.26	+	+
6	Д- 6-20	1.02	1.42	1.85	0,15	0.43	0,48	0.21	0.19	-	-

Дарбанд дарёсининг табиий сувлари таркибидаги, стронций-90 изотопи учун бета-нурланиш активлигининг радионуклидлар концентрация миқдорини, аниқлаш ишларини амалга ошириш учун, бу ерда ҳам ушбу дарёнинг юқорида қайд этилган нуқталари танлаб олиниб, аниқлаш ишлари амалга оширилди. Табиий сувлар таркибидаги радионуклидлар миқдори танлаб олинган нуқталар бўйича қуйидигича қийматларга тенглиги аниқланди. Дарёнинг бошланғич нуқтаси бўйича радионуклидлар миқдори 0,15 бк/кг, Дарбанд қишлоғига дарёнинг кириб келиш жойи, нуқтасида радионуклидлар миқдори, 0,23 бк/кг, Дарбанд қишлоғи яқинидан ўтувчи дарёнинг Шўроб дарёси қўшилиш нуқтасида радионуклидлар миқдори, 1,43 бк/кг, Дарёнинг Даҳнаижом қишлоғидан ўтувчи қисмида радионуклидлар миқдори, 0,81 бк/кг, Дарёнинг Хўжабулғон қишлоғидан ўтувчи қисмида, радионуклидлар миқдори, 0,79 бк/кг, ва дарёнинг, Сайроб ва Панжоб қишлоқлари худудидан ўтувчи қисмида жойидаги қисмида радионуклидлар миқдори, 0,74 бк/кг, эканлиги, тажриба ишлари асосида аниқланди. Олиб борилган тажриба натижаларининг таҳлилларидан шу нарса маълум бўлдики, 3-чи намуна нуқтасидаги нурланиш активлиги бошқа нуқталарига караганда меъёрдан ортиқча экан. Бунинг сабаби Дарбанд дарёсига, Шўроб дарёси шўр сувининг келиб қўшилишидир.

Шўроб дарёси бугунги кунда иш юритаётган “Гранит заводи” нинг руда қазиниш ишлари олиб борилаётган жойидан ўтади ва руда таркибидаги цезий -137, стронций-90 изотопи радионуклидларнинг борлиги ва уларнинг табиий шамоллар, ёғингарчилик ва қор сувлари орқали дарёларга, табиий сувлар билан биргаликда шўр сувларнинг келиб қўшилишининг натижасида дарё сувларининг таркибини ўзгартириши билан боғлиқдир.

Иккинчи томондан дарёнинг Хўжабулғон қишлоғидан ўтувчи 5-чи нуқта қисмида ҳам нурланиш активлигининг меъёридан юқори эканлиги тажрибада аниқланди, бунга сабаб, Бойсун туманида жойлашган Тўда маҳалласида кўмир кони мавжуд бўлиб, кон атрофидаги булоқ сувлари Хўжабулғон қишлоғидаги дарёнинг ўтиш жойидаги дарё сувига келиб қўшилади. Чунки, Тўда қишлоғида доимий равишда кўмир конида, кўмир казиш ишлари олиб борилади ва натижада у ердаги мавжуд булоқ сувлари орқали дарёнинг Хўжабулғон қишлоғи ҳудудидан ўтиш қисмига, сув келиш сойлари орқали, оқиб келувчи табиий сувлар, қор ва ёғингарчиликлар туфайли дарёга келиб қўшилиши, нурланиш активлигининг юқори бўлишига сабаб бўлади. Қолган нуқталардаги нурланишнинг активлик даражаси меъёрида эканлиги қайд қилинди (3-расм). Албатта бу кўрсаткич зарарлаш даражасидан анча паст бўлсада, аҳоли ичимлик суви учун истеъмолга яроқсиз ҳисобланиб, қишлоқ хўжалиги экинларига ўтганда концентрланади ва зарарли таъсирга эга бўлади.

1 ва 2-жадваллардан кўриниб турибдики, 3 ва 5 - нуқталарда Cs-137 ва Sr-90 лар учун иккала нуқтада ҳам  $\beta$ - нурланиш активлиги юқори қийматга эга экан ва бу белгиланган меъёр ( $UB\ Cs-137\ Sr-90 = 2,0$ ) дан баланд ҳисобланади. 3-нуқта Бойсун туманидаги «Дарбанд» маҳалласи ҳудудида жойлашган. Бу нуқтада нурланиш активлиги бошқа нуқталарига қараганда меъёридан ортиқча эканлиги маълум бўлди. Бунинг сабаби Дарбанд дарёсига, Шўроб дарёси шўр сувларининг келиб қўшилишидир. Бундан ташқари, Шўроб дарёси шўр сувлари, бугунги кунда активлик юритаётган “Гранит заводи”нинг руда казиш ишлари олиб борилаётган жойидан ўтади ва руда таркибидаги Cs-137 ва Sr-90 лар ва бошқа радиоактив изотоплари радионуклидларининг борлиги ва уларнинг шамол ва ёғингарчилик ва қор сувлари орқали дарёларга келиб қўшилиши бўлса, 5-нуқтада эса Дарбанд дарёсининг Хўжабулғон қишлоғидан оқиб ўтиш жойи. Бу нуқтада, Бойсун тумани жойлашган Тўда қишлоғида доимий равишда кўмир конида, кўмир казиб олиш ишлари олиб борилади ва натижада у ердаги мавжуд бўлоқ сувлари, Хўжабулғон қишлоғидаги сув келиш сойлари орқали, Дарбанд дарёсига келиб қўшилиши натижасида, нурланиш активлигининг юқори эканлигидан далолат беради. Олиб борилган аниқлаш ишларининг тажриба натижалари Cs-137 ва Sr-90 лар активлиги учун бошқа нуқталарга нисбатан 2 баробар юқори эканлиги, аниқланди. Худди шунингдек Дарбанд дарё сувининг таркибида калий-40, торий-232 радионуклидларининг мавжудлиги тажрибада радиометрик-спектрометрик усулда текширилиб, калий-40 ва торий -232 изотоплари радионуклидларининг миқдори масалан калий-40 учун 3 ва 5 нуқталарда торий-232 учун ҳам айнан шу 3 ва 5 нуқталарда юқори эканлиги тажрибада аниқланди. 3-нуқта Бойсун туманидаги «Дарбанд» маҳалласи ҳудудида жойлашган. Бу нуқтада нурланиш активлиги бошқа нуқталарига қараганда меъёридан ортиқча эканлиги маълум бўлди. Бунинг сабаби Дарбанд дарёсига, Шўроб дарёси шўр сувларининг келиб қўшилишидир. 5-нуқтада эса Дарбанд дарёсининг

Хўжабулғон қишлоғидан оқиб ўтиш жойи. Бу нуқтада, Бойсун тумани жойлашган Тўда қишлоғида доимий равишда кўмир конида, кўмир қазиб олиш ишлари олиб борилади ва натижада у ердаги мавжуд бўлоқ сувлари, Хўжабулғон қишлоғидаги сув келиш сойлари орқали, Дарбанд дарёсига келиб қўшилиши натижасида, нурланиш активлигининг юқори эканлигидан далолат беради. Қолган нуқталардаги нурланиш активлигининг даражаси меъёрида эканлиги қайд қилинганлиги қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

### Жадвал-3


#### Дарбанд дарёси сувларидаги калий-40 радионуклиди, бета-нурланиш активлиги ва торий-232 радионуклидлари, гамма-нурланиш активликларини радиометрик ўлчаш натижалари (ўлч=40 мин, E<sub>max</sub>=624 кэВ, ЧВ=0,64 имп/с.бкл)

№	Намуналарнинг штрих коди	К-40 -нинг β-нурланиш, 232Th нинг γ – нурланишларининг солиштирма активлилари, Бк/кг(УВ=10), Бк/кг(УВ=1,0)								Белгиланган меърдан ошиши	
		I-чорак (декабр, январ, феврал)		II-чорак (март, апрел, май)		III-чорак (июн, июл, август)		IV-чорак (сентябр, октябр, ноябр)			
		К-40	Th - 232	К-40	Th - 232	К-40	Th - 232	К-40	Th - 232		
1	Д-1-20	0.20	0.13	1.92	0.82	0.10	0,14	0.12	0.12	-	-
2	Д- 2-20	0.29	0.19	1.64	1.94	0.14	0,21	0.16	0.18	-	-
3	Д-3-20	1.61	0.26	3.90	3.11	1.83	2.02	0.89	0.22	+	+
4	Д- 4-20	0.41	0.48	3.10	2.14	2.15	0,42	0.52	0.28	+	+
5	Д- 5-20	1.72	1.92	3.82	3.94	2.53	1,86	0.67	0.48	+	+
6	Д- 6-20	1.62	1.62	1.95	1.75	0.33	0,38	0.17	0.15	-	-

Сурхондарё вилояти Шеробод дарёси сувларидаги калий-40 радионуклиди бета-нурланиш активлигини МКГБ-01 радиометри ёрдамида радиометрик аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари, Шеробод дарёсининг табиий сувларидан 6 та намуна нуқталаридан олинган сувлар, O'zDSt ISO/IEC 17025:2017 стандарти ПСК:04-2018 “Табиий ва оқова сувлардан намуна олиш тартиби” меъёрий ҳужжати асосида олинди. Олинган намуналар 200 мл сифимли шлифли туби ясси колбаларга солинди таркибидаги калий-40 ва торий-232 радионуклидлари мавжудлигини аниқлаш учун Маринелли идишига жойлаштирилди ва эталон ўлчаш воситалари ёрдамида қиёсловдан ўтган МКГБ-01 радиометр-спектрометр асбобида бета-нурланиш активлиги ўлчанди. Дастлаб калий-40 изотопининг 4-жадвалда ва фасллар бўйича солиштирма активлик ўртача йиллик қийматлари олинган натижалар асосида радиометрик ўлчаш натижалари(чораклар бўйича) қуйидаги 5-жадвалда берилган.

**Шерабод дарёси сувларидаги калий-40 радионуклиди активлиги  
натижалари**

№	Намуналар-нинг штрих коди	Намуна олинган жой	Нурланиш активлигининг ўртача қиймати	
			К-40 β -нурланиш Бк/кг (УВ=10)	<sup>232</sup> Th γ –нурланиш Бк/кг (УВ=1,0)
1	Ш-1-20	Чилонзор қишлоғи худудидан ўтувчи дарё қисми	0,23	0,22
2	Ш-2-20	Калламозор қишлоғи яқинидан ўтувчи дарёнинг Дарбанд дарёси қўшилиш нуктаси	0.24	0.18
3	Ш-3-20	Хўжаулкан қишлоқидан оқиб келувчи қор ва булоқ сувларининг дарё ирмоғи қўшилиш қисми	1.11	1.13
4	Ш-4-20	Шерабод тумани яқинидаги, Пашхурт ва Зарабоғ қишлоқларидан оқиб келувчи, қор ва булоқ сувларининг дарё ирмоғи сувининг қўшилиш қисми	1.15	1.12
5	Ш-5-20	Шерабод шаҳридан чиқиш жойи	0.96	0.81
6	Ш-6-20	Ангор тумани Занг каналига қўшилиш жойи	0.80	0.73



**4-расм. Шерабод дарёси сувларидаги радионуклидларнинг  
миқдорларининг фаслардан боғлиқлиги.**



**Шерабод дарёси сувларидаги калий-40 радионуклиди, бета-нурланиш активлиги ва торий-232 радионуклидлари, гамма-нурланиш активликларини радиометрик ўлчаш натижалари (тўлч=40 мин, E<sub>max</sub>=624 кэВ, ЧВ=0,64 имп/с.бкл)**

№	Намуналарнинг штрих коди	К-40 -нинг β-нурланиш, Th-232 нинг γ – нурланишларининг солиштирма активлилари, Бк/кг(УВ=10), Бк/кг(УВ=1,0)								Белгиланган меърдан ошиши	
		I-чорак (декабр, январ, феврал)		II-чорак (март, апрел, май)		III-чорак (июн, июл, август)		IV-чорак (сентябр, октябр, ноябр)			
		К-40	Th - 232	К-40	Th - 232	К-40	Th - 232	К-40	Th - 232	К-40	Th - 232
1	Ш-1-20	0.14	0.12	0,63	0,36	0.11	0.15	0.11	0.12	-	-
2	Ш-2-20	0.19	0.17	0,48	0,40	0.15	0.18	0.13	0.14	-	-
3	Ш-3-20	0.31	0.31	1,62	1,82	2.10	2.15	0.42	0.24	+	+
4	Ш-4-20	0.43	0.43	3,26	3,38	0.83	0.33	0.32	0.35	+	-
5	Ш-5-20	0.52	0.32	2,03	1,64	1.03	1.13	0.27	0.16	+	+
6	Ш-6-20	0.72	1.61	1,84	0,78	0.53	0.43	0.14	0.13	-	-

**Бешинчи «Тадқиқот натижалари таҳлили ва мониторинг ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш»** бобида Сурхондарё вилояти табиий сувлари таркибидаги радионуклидларининг тарқалиш қонуниятлари, табиий сувлар таркибидаги радионуклидларнинг миқдори мавжудлиги масс-спектрометрия усули натижалари асосида аниқлаш ишлари амалга оширилди.

Сурхондарё вилояти вилоят санитария эпидемиология ва соғлиқни сақлаш, аккредитацияланган рентгенологик лабораториясида DELTA плюс масс-спектрометрида тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва ишончилигини аниқлаш учун назорат тажрибаларини ўтказдик. Масс-спектрометрия-намунадаги турли компонентларнинг концентрациясини аниқлашга имкон берувчи моддани текшириш ва аниқлаш усули. Ўлчаш учун асос компонентларнинг ионланишидир, бу компонентларни уларнинг масса-заряд нисбати асосида физик жиҳатдан ажратиб олиш имконини беради ва ион оқимининг интенсивлигини ўлчаш орқали компонентларнинг ҳар бирининг қисмини алоҳида ҳисоблаш мумкин (модданинг масса спектрини олиш учун). Масса спектри-ион оқими интенсивлигининг (модда миқдорининг) масса-заряд нисбатига (модданинг табиатига) боғлиқлиги. Ҳар қандай молекуланинг массаси унинг таркибий атомларининг массаларидан иборат бўлгани учун масса - спектри ҳар доим дискрет, гарчи масс- спектрометрининг паст ўлчамида турли компонентларнинг чўққилари бир-бирига туташishi ёки ҳатто бирлашиши мумкин. Аналитикнинг табиати, ионланиш усулининг хусусиятлари ва масс-спектрометрдаги иккиламчи жараёнлар масса спектрига таъсир этиши мумкин. Масалан, бир хил масса-заряд нисбатларига эга бўлган ионлар спектрнинг турли


қисмларида тугаши ва ҳатто унинг бир қисмини узлуксиз ташкил қилиши мумкин.

Назорат эксперименти учун активликнинг энг паст қийматлари-Д-20 нуқтаси (Бойсун тумани Дарбанд дарёси) учун табиий сувлар намунаси олинди. Аниқланган тадқиқотлар натижалари қуйидаги 6-жадвалда кўрсатилган.


**Жадвал-6**

**Сурхондарё вилояти табиий сувларидаги цезий-137 нинг  $\gamma$  - нурланишини масс-спектрометр ёрдамида аниқлаш натижалари**  
( $t_{\text{ўлч}}=300$  мин,  $E_{\text{max}}=760$  кэВ, ЧВ=0,46 имп/с.Бк)

№	Масс-спектрометрда Sr-90 нинг гамма радиоактивлик маълумотлари, Бк/ кг	Гамма-нурланиш активлиги бўйича Sr-90 нинг , МКГБ-01, радиометр ичидаги маълумотлари Бк/ кг
1	0,246	0,29
2	0,255	0,28
3	0,264	0,30
4	0,237	0,27
5	0,265	0,21
<b>ўртача</b>	<b>0,253</b>	<b>0,27</b>




**5-расм. Табиий сувлар таркибидаги радионуклидлар микдорининг масс-спектрдаги натижалари**



**6-расм. Масс-спектрометрда стронций-90 изотопи активлигининг йил фассларига боғлиқлиги.**

Масс-спектрометрик тадқиқотлар натижаларида цезий-137 нинг гамма нурланиши активлигини аниқлаш учун масс-спектрометрик тажрибалар маълумотлари радиометрик маълумотлардан кам фарқ қилади, яъни ўлчаш хатолиги 10% даражасида қолади, деган хулосага келиш мумкин. Демак, Сурхондарё вилояти табиий сувлари таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини радиометрик-спектрометрик аниқлашнинг аниқлиги ва ишончилигини текширишимиз мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, масс-спектрометрик аниқлаш усулининг афзалликлари аниқлашнинг аниқлиги ва юқори сезгирлиги ҳисобланади. Лекин унинг қимматлиги ва узоқ вақт ўлчаш сифатини камайтиради. Биз олиб борган тажриба натижаларимизнинг аниқлаш усули эса қисқа ўлчаш вақти, арзон қурилмалар ва ўлчашнинг қулайлиги туфайли ўртача сезгирлик ва ўлчаш хатолигига эга бўлсада, қурилма сифатидан ошиб кетади ва таърифнинг афзаллиги ҳисобланади. Чунки, экологик фавкулудда ҳолатларда тирик организм ва экологик объектларни муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирлари, экологик зарар даражасини аниқлаш тезлиги ҳисобланади.



**7-расм. Радионуклидлар билан зарарланган дарё сувлари қирғоқ бўйларини рекультивация қилиш схемаси.**

Схемага кўра, радионуклидлар микдори белгиланган НЗД дан ортиб кетганда, дарёнинг қирғоқ бўйларида ушбу схемага асосан рекультивация

ишларини олиб бориш керак бўлади. Хусусан, дарёга ирмоқларнинг қўшилиш жойларида тупроқ уюми ҳосил қилиниб, радионуклидларни филтрловчи табиий тўсиқ ҳосил қилиш, тупроқ уюми остида радионуклидларни ушлаб қолиш учун ПВХ плёнка тўшалишини таъминлаш зарур. Ушбу филтрнинг юза қисмидаги радионуклидлар қуёш нури таъсирида атмосферага кўтарилса, ички қисмидаги радионуклидлар ёмғир ва сел сувларида эриб, филтрнинг пастки қисмидаги плёнкада йиғилади. Шунингдек, сувда эримайдиган радионуклидлар ҳам плёнка қатламида қолади. Бу эса, асосий дарёни радионуклидлар таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Ҳар йили эрта баҳорда (сел келишидан олдин) тозалаб, плёнкалар алмаштирилиб турилса, 82% гача самара бериши исботланди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Сурхондарё вилояти табиий сувларидаги цезий-137, стронций-90, торий-232 ва калий-40 радионуклидларининг миқдорини бета ва гамма нурланиш асосида радиометрик-спектрометрик усул ёрдамида аниқланди.

2. Сурхондарё вилояти табиий сувларидаги радионуклидлар тарқалиши ва кўчишининг оқим тезлиги, муҳити, ҳарорати, йил фасллари ва радионуклидларнинг сувда эрувчанлигига боғлиқлиги аниқланди.

3. Табиий сувларида  $^{90}\text{Sr}$ ,  $^{137}\text{Cs}$ ,  $^{232}\text{Th}$ ,  $^{40}\text{K}$  радионуклидларининг табиий сувларда кўчиш ва тарқалишига ер ости қазилма ишларининг таъсирини радиоэкологик баҳолади ва ушбу омиллар асосида табиий сувларнинг ифлосланишини олдиндан башорат қилиш имконини берди.

4.  $^{90}\text{Sr}$ ,  $^{137}\text{Cs}$ ,  $^{232}\text{Th}$ ,  $^{40}\text{K}$  радионуклидлари билан ифлосланган табиий сувларда радиологик мониторинг ўтказиш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Табиий ва техноген жараёнлардаги  $^{90}\text{Sr}$ ,  $^{137}\text{Cs}$ ,  $^{232}\text{Th}$ ,  $^{40}\text{K}$  радионуклидлари орасидаги радиоактив мувозанат коэффициенти -  $K_{\text{рм}}$  бузилишини аниқлаш мақсадида табиий сувлардаги радионуклидлар таркибини аниқловчи оддий, тезкор ва арзон усул ҳисобланган юқори сезувчан радиометрик-спектрометрик усул такомиллаштирилди ва тавсия этилди.

6. Ўртача ЭДҚ қийматларининг 2017-2020 йиллар давомидаги ўзгаришини аҳоли, аҳолининг чекланган қисми ва мутахассислар учун ўрнатилган меъёр талабларига мослигини баҳолаш график боғлиқлиги исботланди.

7. Табиий дарё сувларининг радионуклидлар миқдори юқори бўлган нуқталари ва дарёга ирмоқларнинг қўшилиш жойларида қирғоқ бўйлари тупроқларини рекультивация қилиш схемаси ишлаб чиқилди. Радионуклидлар миқдори юқори бўлган нуқталарда янги рекультивация қилиш схемаси асосида қирғоқ бўйлари рекультивация қилинганда бир йилда дарё сувларидаги радионуклидлар миқдори 82% гача камайиши тасдиқланди.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ УЧЕНОГО  
СОВЕТА PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЛМУРОДОВ МАХМАТКАРИМ ПАТТАЕВИЧ**

**РАДИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ И МОНИТОРИНГ  
ПРИРОДНЫХ ВОД СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**11.00.05-Охрана окружающей среды и рациональное использование  
природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Диссертация доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером \_\_\_\_\_**

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета [www.tersu.uz](http://www.tersu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Тураев Хайит Худайназарович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Кулматов Рашид Анорович**  
доктор химических наук, профессор

**Аллабердиев Фарход Хамроевич**  
кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в «\_\_» часов на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре в Термезском государственном университете за №\_\_ с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.).

**И.А.Умбаров**

Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доц.

**Ш.А.Касимов**

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, к.х.н., (PhD), доц.

**Р.А. Аликулов**

Председатель разового научного семинара при разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., доц.

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

Загрязнение окружающей среды радионуклидами во всем мире увеличивается день ото дня в связи с развитием промышленности по добыче и переработке урана. По данным ученых, доля радиации, которую человек получает от естественных источников радиации на протяжении всей своей жизни, составляет в среднем 87 процентов, а оставшиеся 13 процентов поступают от техногенных антропогенных источников. Развитые страны ежегодно тратят миллиарды долларов на захоронение радиоактивных отходов. Природная вода из окружающей среды является наиболее важной, и сегодня проблема питьевой воды выходит на первый план из-за изменения климата, уменьшения количества осадков и снижения уровня грунтовых вод. Определение чистоты природных вод, степени загрязнения вредными химическими веществами и радионуклидами, определение пригодности природных вод для потребления является сложной задачей из-за различных физико-механических и физико-химических свойств воды. Радионуклиды из почвы и атмосферы попадают в природные воды из-за атмосферных осадков и загрязняют их. Поэтому важно и безотлагательно определить количество радионуклидов в природных водах и степень их повреждения, изучить влияние различных факторов на количество радионуклидов в воде. Кроме того, знание излучения и возможность его правильного измерения обеспечивает объективность данных о радиоактивности и усиливает меры радиационной безопасности.

В настоящее время бурная добыча нефти, руды, угля, газа из недр земли, развитие атомной отрасли приводит не только к увеличению количества естественных радионуклидов, но и к их искусственному появлению в окружающей среде. Увеличение антропогенной нагрузки на окружающую среду приводит к появлению зон со значительным экологическим статусом в конкретном регионе и во всем мире.

Узбекистан занимает 10-е место в мире по запасам (139,2 тыс. тонн) и 5-е место по добыче урановой руды. При добыче урановых руд в результате разложения радиоактивный уран превращается в изотопы низших радиоактивных элементов (торий, цезий, стронций и калий). В результате подземных выработок радиоизотопы, образующиеся из-за подземных геологических изменений, выбрасываются на поверхность и загрязняют окружающие объекты радионуклидами. Из-за подземных выработок вновь созданных предприятий в области, заводах в соседних странах, Таджикский алюминиевый завод, Гегирдакский серный завод (Туркменистан) и в результате водопотребления и использования на орошение, наблюдается резкий рост онкологических заболеваний среди населения нашей области.

Следовательно, нет сомнений в том, что необходима подробная объективная информация о радиоэкологическом состоянии природных вод, которая, в свою очередь, позволяет идентифицировать и оценивать риск уровней радионуклидного загрязнения и определять тенденции, а также прогнозировать скорость изменения и развитие процедуры мониторинга.

Данное диссертационное исследование основано на Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и Президента Республики Узбекистан. Республика Узбекистан от 23 августа 2017 года № ПП-3236 на 2017-2021 годы. Постановление Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды в Республике Узбекистан до 2030 года» и др. правила, относящиеся к этой деятельности.

